

“BAKHTIYOR OMAD OSHYONI MCHJ” бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари **Б.Алиев** Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб интернат бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, директори **Э.Кахаров** Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар туғрисида шартнома туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма килинган иш ҳажмини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш ҳажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишлари («Буюртмачи» ўқувчиларига овқат таъминотини етказиб бериш)ни қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

2. Бажариладиган иш ҳажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиган иш ҳажмининг умумий қиймати Республикаміз миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий сўммаси ҚҚС билан 500.000.000 (Беш юз миллион) сўмни ташкил қилади.

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нарҳини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча қилишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

3. Тўлов шартлари

3.1 Буюртмачи шартнома тўлиқ қийматининг 30%и миқдорда 10 банк кунда «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига (сўмда) олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2 Тўлиқ хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида 10 банк кунда қолган 70% тўлов «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажармасликга ҳақли бўлади.

3.4 «Буюртмачи» тўловларни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат, акт далолатномаси, ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий сўммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий сўммасидан чиқмаган ҳолда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказилгандан сўнг 5 банк иш кунда шартномада кўрсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сўнг иш тўлиқ бажарилган ҳисобланади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

- Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажаришни бошлайди.

- «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

- Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

- Бажарилган иш ҳажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон куздан кечиради ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради:

- Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тўлиқ, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

- Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг «Иш бажарувчи»га шартномада кўрсатилган сўмmanın қолган қисмини тўлиқ ўтказиб бериши шарт.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунининг 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўлади.

6.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий сўммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. Шартномада курсатилган иш ҳажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий сўммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.4. Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан қабул қилингандан кейин икки томоннинг келишувига биноан бир ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида қолади.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Ушбу шартномада белгиланмаган бошқа қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

7.2. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.3. Томонлар уртасада шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муроасага келинмаганда Тошкент туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

8. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яъни ҳодим ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

8.2 Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний қучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.3 Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.4 Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9. Форс- мажор

9.1 Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома Газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради ва 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг қучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

11. Томонларнинг реквизитлари

«Иш бажарувчи»

«BAKTIYOR OMAD OSHYONI» МЧЖ

Манзил Ташкент вилояти,
Тошкент тумани, Масалбой ДФЙ,
Ибн Сино қучаси, 11-уй
Х/р 20208000900382424001
ИНН 303022634

Рахбар

(имзо)

Б.Алиев

«Буюртмачи»

Республика хореографияга ихтисослаштирилган
мактаб интернат манзил: Тошкент шаҳар Яққасарой
тумани Ю.Х.Ҳожиб қучаси 31-уй
Ш.Х.В: 100010860262877092300056001
ИНН: 207315879 МФО: 01017
ЎзРес.Молия вазирлиги Газначилиги ИНН: 201122919
Тошкент шаҳар Марказий банки ХККМ
х/р: 23402000300100001010

Директор

(имзо)

Э.Қаҳаров

-д/с 400810860262877092300056001

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

“ 15 “ август 2022 йил

Тошкент ш.

Мен, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати (кейинги ўринларда – Мактаб-интернат)нинг шартнома асосидаги ҳуқуқшуноси У.Н.Исмоилов, Мактаб-интернат ва “Baxtiyor Omad Oshyoni” МСНЖ ўртасида тузилиши режалаштирилган “Хизмат кўрсатиш шартномаси”га юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва қонуности ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан юридик экспертизадан ўтказдим. Юридик экспертиза ўтказиш жараёнида қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Хизмат кўрсатиш шартномасига асосан вужудга келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Шартномада шартнома предмети, бажариладиган иш ҳажмининг нархи ва умумий киймати, ишнинг бажарилиш тартиби, томонларнинг мажбуриятлари, томонларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар, форс- мажор, шартноманинг амал қилиш муддати ҳамда томонларнинг реквизи́тлари кўрсатилган.

Шартноманинг 7.3-бандида юзага келган низо оғохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муроасага келинмаганда Тошкент туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал қилиниши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва “Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига асосан,

ХУЛОСА ҚИЛАМАН:

1. Мактаб-интернат ва “Baxtiyor Omad Oshyoni” МСНЖ ўртасида тузилиши режалаштирилган “Хизмат кўрсатиш шартномаси” Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан расмийлаштирилиши ва тузилиши мақсадга мувофиқ.

2. Ҳуқуқий хулоса Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ берилди, Ҳуқуқий хулоса Шартнома ва унга оид пул-молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш жихатини қамраб олмайди ҳамда иқтисодий масалаларга жавоб бермайди.

Шартнома асосида ҳуқуқшунос



У.Н.Исмоилов

« 15 » август 2022 йил.

Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат танлов комиссияси
йиғилишининг
2-сонли БАЁННОМАСИ

“ 15 “ август 2022 йил

Тошкент ш.

Қатнашдилар:

Комиссия раиси; Директор – Э.Кахаров

Комиссия аъзолари: Директор ўринбосарлари: Т.Абдуллаев,
Б.Эгамов, Т.Сапаева, бош ҳисобчи У.Кулдашев,
Ходимлар бўлими назоратчиси Г.Азизова

КУН ТАРТИБИ:

Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат
ўқувчиларини хар куни иссиқ овқат билан таъминлаш тўғрисида.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия аъзоси – Бош ҳисобчи сўзга чиқиб, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини хар куни сифатли иссиқ овқат билан таъминлаш учун 11.08.2022 йилдаги 22110012132586-сонли давлат хариди юзасидан махсус ахборот порталига жойлаштирилган танлов эълони юзасидан икки кун муддатда ҳеч қандай эътироз келиб тушмаганлигини айтиб, ушбу эълон бўйича ўз таклифини тақдим этган “BAKTIYOR OMAD OSHYONI” МЧЖ билан 500 000 000 сўмга шатнома қилиш таклифини берди.

Кун тартибидagi масала юзасидан комиссия аъзолари томонидан атрофлича муҳокама этилиб, **қарор қилади:**

1. Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини хар куни иссиқ овқат билан таъминлаш харид қилиш бўйича “BAKTIYOR OMAD OSHYONI” МЧЖнинг таклиф нархлари, хизмат турлари энг макбул ва арзон деб топилганлиги сабабли ҳамда икки кун муддатда ҳеч қандай эътироз келиб тушмаганлигини инобатга олиб бир овоздан маъқулансин.

2. “BAKTIYOR OMAD OSHYONI” МЧЖ танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу ташкилот билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

3. Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

4. Ўзбекистан Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ;- 684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кура, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот(лар)да иштирок этмаяпти.

5. Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

6. Ушбу 22110012132586-сонли лот рақами бўйича, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат томонидан тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.

7. "BAKTIYOR OMAD OSHYONI" MCHJ танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу ташкилот билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

8. Ушбу баённома ижроси Бош ҳисобчи У.Кулдашев зиммасига юклатилсин.

Комиссия аъзолари:


Директор ўринбосари

Директор ўринбосари

Директор ўринбосари

Бош ҳисобчи

Ходимлар бўлими нозири



Т.Абдуллаев

Б.Эгамов

Т.Сапаева

У.Кулдашев

Г.Азизова